
Бувайда тумани ИИБ бошлиғи 3-сектор рахбари подполковник Ш.З.Ахмедовнинг жисмоний ва юридик шахслар вакиллари билан САЙЁР ҚАБУЛИ “Понсод” МФЙда бўлиб ўтади.

Бувайда тумани 3-сектор рахбари қабулида, корхона ташкилот рахбарлари иштирок этдилар. Қабулда иш билан банд қилиш, болалар пенсия таъминоти, электр энергияси, автомобил йўлларини таъмирлаш, тиббий ва моддий ёрдам ва бошқа масалалар бўйича жами 15 нафар фуқаролардан 15 та мурожаатлар қабул қилинди. Шулардан 7 мурожаатлар ижобий хал этилди, ва 8 нафар фуқароларнинг мурожаатлари тегишли корхона ва ташкилотларга ижро учун йўналтирилди.

Бундан ташқари 3-сектор ҳудудидаги Понсод маҳалла фуқаролар йиғини кўчабошилари фуқаролари ва тадбиркорларига “ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ” ўрнатиш ҳамда пахта йиғим-теримида фаол иштирок этишлари бўйича тушунчалар бериб ўтилди ва тарғибот ишларини олиб бориш бўйича мфй ходимларига топшириқлар бериб ўтилди.

Кейинги ҳафтада ииб бошлиғи сайёр қабули Додхо мфйда бўлиб ўтади.

2024-09-12 08:21:35